

EFFICIENCY AND ANALYSIS OF CHILDREN'S SPECIALIZED PUBLICATIONS IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Farzona Khamroeva

Uzbek University of Journalism and Mass Communication, Faculty of International Journalism

ANNOTATION

The scientific article analyzes the current state and development of children's journalism in Uzbekistan.

Keywords: internet, children's publications, audience, media education, gadget, content

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада Ўзбекистонда болалар журналистиканинг бугунги кундаги ҳолати ва ривожланиши масалалари таҳлил этилиб, ижтимоий сиёсий аҳамиятга эга болалар нашрларида медиатаълимнинг аҳамияти ва унинг қўлланилишида юзага келаётган масалалар, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: интернет, болалар нашрлари, аудитория, медиатаълим, гаджет, контент

INTRODUCTION

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатларда болалар журналистикасининг ривожланиши ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ёритишга йўналтирилган илмий изланишларга бугун талаб ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларда болалар нашрларидаги муаммоларга ўз вақтида ечим топилмаётгани сабаб ёш авлод тарбияси ва руҳиятида намоён бўлаётган салбий таъсирлар ҳам бундай тадқиқотларга нисбатан заруратни оширомоқда. Болалар қабул қилаётган ҳар қандай босма ва визуал ахборотларни медиатаълим ва медиасаводхонлик талаблари доирасида таҳлил қилиш, саралаш лозим. Замонавий интернет олами аввалдагидек эмас, унда турли мавзуларга йўналтирилган жуда кўп сайтлар мавжуд. Улардан баъзилари болалар ва ўсмирларга мўлжалланган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам болалар ва ўсмирларнинг онгига ва руҳиятига мос келмайди. Аслида юқори сифатли Интернет ахбороти эса кўнгилочар тармоқлар океанида йўқ бўлиб кетмоқда. Шу боисдан, болалар матбуотида мавзулар хилма хиллиги, уларнинг дизайн креативлиги, материалларнинг тили ва услуби ва айниқса журналист ва ёзувчилар маҳоратига оид илмий тадқиқот долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда болалар журналистикаси ўз имкониятларини, кучли ва заиф томонларини қайта англашга, ўзига хосликларини янада аниқроқ кўрсатишга ундайдиган сифат жиҳатдан янги ахборот ҳолати вужудга келди. Жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ОАВлар ҳам контент ҳам дизайнда ўзгарди. Болалар даврий нашрларининг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва умуман болалар матбуотининг ҳозирги кундаги фаолияти қай аҳволда?

Ўзбекистонда болалар нашрларининг контенти ва сифати бугун жаҳон стандартлари талабига кўра паст даражадалиги жамият учун салбий баҳо. Гарчи турли нашриётлар болалар ва ўсмирлар босма ОАВ сани ривожлантириш учун заҳмат чекаётган бўлсада, материаллардаги ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий масалалар болаларга тушунарли тилда ёритилиши суст. Бундан ташқари, чоп этилаётган газета ва журналларда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда болаларнинг маънавий бойлигига ҳисса қўшувчи материаллар камлиги, асосан кўнгилочар турдаги маълумотлар кўплиги болалар ва ўсмирларнинг илмга интилиши ва жаҳондаги тенгдошлари билан беллаша олиш даражасини камайтиришга олиб келади.

Аслида бола ва ёш қатламлари хусусида тўхталиш лозим. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 7 Қонуннинг (1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган) 4-моддасига кўра: “ёшлар” деганда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар тушунилиши белгиланган. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг (2008 йил 7 январда қабул қилинган) 3-моддасида эса “бола” деганда 18 ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс тушунилиши назарда тутилган.

Шунингдек, болаларнинг 1-3 ёшгача бўлган даври - “гўдаклик даври”, 3-6 ёшгача – “болажонлик” даври, 7-14 ёшгача – “болалик” даври 14 ёшдан 18 ёшгача – “ўсмирлар” ҳамда 18 ёшдан 30 ёшгача “ёшлар” деб юритилади.

Нафақат болалар босма матбуоти балки болалар адабиёти ҳам бугун қолюқ аҳволда десак хато бўлмайди. Замондош ижодкорларнинг бармоқ билан санарли қисми бугун болаларга атаб асар битмоқда. Уларнинг бадиий оламини бойитишга бемисл ҳисса қўшган буюк адиблар Ғафур Ғулом, Худойберди Тўхтабоев кабиларнинг қолдирган тарихи бугунги авлоднинг қалбини эгаллаб бўлди. Лекин келажак авлодга ўқишга арзигулик асар ва мақола қолдириш бугунги давр ижодкорларининг вазифаси ва бурчи эмасми деган ўринли савол туғилади.

Пойтахтда чоп этилаётган даврий нашрларнинг чекка-чекка қилоқларга етиб бормаётгани, ранг-баранг газета-журналларнинг адади республика бўйлаб мактабларга етмаслиги ачинарли ҳол. Айнан болалар босма нашрлари болаларни китобхонликка ундашини бугун кўпчилик унутди. Болалар ва ёшларга сараланган, таҳлил этилган ва қайта ишланган материаллар тақдим қилиш, таржима асарлар ва мақолалар тақдим этмаслик уларни босма ОАВ дан узоқлаштирди. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблардан бирида 5, 6, 8, 10, 11 синф ўқувчиларидан болалар даврий нашрлари бўйича сўровнома олинди. Юқори синфга қадам қўйган айрим болаларнинг мажбурий обуна бекор қилинган ҳаттоки газета ва журналлардан бутунлай беҳабарлиги маълум бўлди. Ҳўш, бугун болалар газета ва журналларини қўлида ушламаган бола эртага ижтимоий аҳамиятга эга хабарларни ишончли ОАВ дан қабул қиладими? Афсуски кўпроқ уяли алоқа воситасидаги фейк ва вирус хабарларга мурожаат қилади холум.

Ўзбекистонда ҳам республика болалар газета ва журналлари ҳам ҳудди бошқа нашрлар каби оммага кенг миқёсда ижтимоий ахборотлар етказмоқда, уни ОАВларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида эътироф этиш ўринлидир. Болалар матбуотининг туб мақсади ҳам ёш авлодни ватанпарвалик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда олиб борилаётган

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотларга бефарқ бўлмаслигини таъминлашга қаратилган.

Аудитория хусусияти бўйича болалар матбуотини муштарийларга кўра таҳлил қилинади. Бундан ташқари, болалар нашрлари тарқатилиш ҳудуди бўйича ва ахборот характери бўйича маълум типларга ажратилади. Жаҳонда замонавий болалар нашри асосан ёш ва жинсга кўра таснифланади. Бироқ кейинги пайтларда уларни дунёқарашга кўра гуруҳлаш ҳам учрамоқда. Хорижда ихтисослашган нашрлар ҳам алоҳида типга киради. Масалан, ҳайвонот, санъат ва мусиқа, таълим, оилавий ҳордиқ, техника, спорт ва бошқа соҳаларга ихтисослашган нашрлардир. Ривожланаётган давтларларда болалар матбуоти ёшга кўра чоп этишга босқичма-босқич киришгани хусусида Россия мисолида айтиб ўтдик. Ушбу нашрлар муваффақиятли тарзда ривожланаётгани, ўз аудиторияси, ўзига хос йўналиши ва мавзусига эга эканлиги бизнинг республикамизда ўрганиб амалда татбиқ этиш учун қўлланишга арзийди. Ёшга кўра таснифланган газета ва журналларда болаларнинг қарашлари, қизиқишлари, изланишлари биринчи навбатда аҳамият қаратилиши лозим бўлган жабҳадир.

Мамлакат аҳолиснинг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади. 2021-йил ҳолати бўйича болалар 5-9 ёшгача 3 341 346 нафар, 10-14 ёшгача 3 078 367 нафар, ёшлар 15-19 ёшгача 2 569 705 нафар, 20-24 ёшгача 2 758 841 нафар, 25-29 ёшгача 3 218 218 нафарни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб болалар муаммосига нақадар маърифий ва ижтимоий сиёсий нуқтаи назардан ёндашиш муҳимлиги ойдинлашади.

Нима сабабдан болалар матбуоти муаммоси айни ҳозирги даврга келиб кун тартибидаги долзарб масалага айланди? Гарчи мутахассислар буни дунё миқёсида кечаётган ривожланиш жараёнлари билан изоҳласалар, бошқалар буни глобаллашувга боғлаб талқин қилмоқда. Ахборот оқимининг жадаллашувчи ва унинг ортидан келиб чиқаётган мафкуравий хуружларнинг ортгани, болаларнинг мобил гаджетларга мукастанк қизиқиб қолгани ҳам яна бир сабабдир.

Болалар нашрлари бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий коммуникация вазифасини ҳамда катта авлоднинг ёш авлодга ахборот узатиш имконияти мавжуд бўлган “майдон” дан бири саналади. Болалар учун эса у ёру дўстлари билан тенг алоқага чиқадиган макондир. Ёшлар, айниқса, болалар ҳаётига оид турли мавзуларнинг ёритилишида, болаларнинг қизиқишлари, фикру ўйларига мос ахборотларни етказишида уларнинг ўз тажрибаси, мактаби бор. Шу маънода ўзбек журналистикаси тараққиётида, шаклланишида болалар нашрлари мактаб вазифасини ўтагани алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки, болалар нашрлари қанчадан – қанча шоир-у ёзувчиларни, олимларни, таржимонларни етиштириб чиқарган. Аслида, катталар матбуотига болалар нашрлари етаклаб боради, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, унда катталар қаторида беғубор қалб эгалари ижод қилишади.”

Шу боисдан, болалар журналистикасида медиавий тарбия руҳини сингдириш вазифаси бирламчи мақсадга айланган. Чунки болалар маъмурий ва миллий чегараларни тан олмайдиган глобал виртуал ахборот кенглигидан фойдаланишмоқда. Бу эса ўз навбатида

айнан болалар босма нашрларини тадқиқ этиш орқали болалар медиатаълим тараққиёти йўлларини ўрганиш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолаётганини кўрсатади.

Замонавий дунёда медиа-таълим шахсларни шакллантириш жараёни ОАВ ёрдамида шакллантирилади:

- улар билан мулоқот қилиш маданияти;
- ижодий, коммуникатив қобилиятлар;
- танқидий фикрлаш, оммавий ахборот воситаларини тўлиқ идрок этиш, талқин қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятлари;
- медиа технологиялар ёрдамида ўз-ўзини ифода этишнинг турли шаклларига ўргатиш.

Оммавий ахборот воситаларининг медиатаълимдаги ўрни ЮНЕСКО ҳужжатларида бир неча бор таъкидланган. Хусусан, 80-йилларнинг бошларида ЮНЕСКОнинг Халқаро симпозиумида ўн тўққиз мамлакат вакиллари томонидан қабул қилинган Медианинг таълим тўғрисидаги Грунвалд декларациясида.

Дарҳақиқат, бугун биз қанчалик фарзандларимизга тўғри ва яхши билимларни беришимизга қарамай, улар нотўғри маълумот ва ахборотларнинг онгли равишда қурбонига айланмоқдалар. Болалар фикрлашини фақатгина боғча ва мактаб дарсликлари орқалигина энди шакллантириб бўлмайди. Медиа замонамизда болалар аллақачон ўз сеvimли гаджет ва ахборот манбаларига эга экан, уларни таҳлилсиз ҳар қандай маълумот қабул қилишдан асрай олиш, бунинг учун болалар нашрларига жиддий аҳамият қаратиш фурсати етди. Кун тартибидан ҳар қачонгидан ҳам долзарб мавзуга айланган болалар журналистикаси дунё миқёсида ривожланаётган жараёнлар, глобаллашув ва ахборот оқимининг жадаллашуви каби биров таҳдидли даврда янада жиддий, сертармоқ ва актуал масалага айланди. Шу сабабли ҳам медиа-таълим ёш авлодни янги ахборот муҳитига тайёрлашга қаратилган бўлиб, жамиятнинг ушбу аъзолари ахборотни тўлиқ идрок эта оладилар, уни тушунадилар, унинг инсон психикасига таъсирининг мумкин бўлган оқибатлари тўғрисида хабардор бўладилар.

Гарчи Ўзбекистонда ҳам медиатаълим барча соҳа ва муассасаларда амалий жорий этилмасда, бир неча ОАВларда, хусусан, “Тарбия”, “Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим” журналлари, “Маърифат” газетасида бир қатор илмий ҳамда туркум мақолалар эълон қилинишига қарамасдан, “Гулхан”, “Ғунча”, “Жажжи академик”, “Билимдон” журналлари, “Тонг юлдузи”, “Класс!” газеталарида медиатаълим мавзусига бағишланган мақолалар ва материаллар кўзга ташланмаяпти. Афсуски, таҳририятларнинг мадиасаводхонликка оид мавзуларда ёритмаслиги салбий камчилик ҳисобланади. Болалар нашрлари ва мактабларда мультимедиа комплекслари, мультимедиа хоналари ва синфлар ҳамда кўчма мультимедиа марказлари ташкил этилиши бу йўлда яхши пойдевор бўлиб хизмат қилади. Босма нашрларда “мадиатаълим”, “мадиасаводхонлик”, “медиамаданият” каби тушунчаларнинг узлуксиз сингдириб борилиши нафақат ўқувчилар балки ўқитувчиларнинг мавзу доирасида билим ва малакаларини ортишига хисса қўшади. Бу билан педагоглар нашрлардаги материаллар ёрдамида таълим жараёнида қўллаш ўқувчиларга ноанъанавий ахборот қабул қилишга имкон беради, ижод қилишга имкониятлар яратади ва мустақил иш самарадорлигини оширади.

Болалар китобларини ҳам, даврий нашрларни ҳам чиқаришда, аввало, нашрнинг тарбиявий таъсирини ҳисобга олиш керак. Болалар психологияси катталар психологиясидан фарқ қилади. Болалар, айниқса мактабгача ёшдаги болалар, дунёнинг дахлсизлиги ва очиқлигига, меҳрибонлик ва адолатлиликка ишонишади, катталарнинг ижобий, яхши ва рағбатлантирувчи розилиги тўғри ва тушуниш ва идрок қилиш учун энг мақбул бўлган шароитда мавжуддир.

Бундан ташқари, болалар аудиториясининг ўзига хос қизиқишлари ҳисобга олинади ва таркибда болалик, болаларнинг ўсиши ва камолот даври, улар олдига қўйган вазифалари устувор аҳамият касб этади. Шу сабабли, болалар журналининг мақолаларида мактаб ҳаёти, ёзги таътил, шаҳар ва мамлакат билан танишиш, тарихий қаҳрамонлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари ҳаётдан лавҳалар акс эттирилган бўлиши керак.”

Ҳозирги замон болаларини интернет тармоқлари, хусусан Телергам, Инстаграм, Фейсбук ва айниқса Ютубдан мутлақо ажратишни иложи бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, журналда ушбу тармоқларда болалар учун қизиқарли ва асосийси аниқ ахборотларга эга канал ва саҳифаларни маълум қилиб бориш, ушбу канал ва саҳифалар билан ҳамкорлик қилиш ижобий ижодий муҳит ҳосил қилиш эҳтимоли бор.

Замонавий болалар қўлларидаги гаджет орқали маълумот олишга қўниккан бўлса, айнан ана шу гаджетлар ёрдамида уларни босма нашрларга қайтариш, энг тўғри йўл бўлиши мумкин.

Журналдаги рукнларнинг ҳам ранг-баранг бўлиши аудитория эътиборини жалб қилади. Бироқ рукнлар ўзгаргани билан ундаги контент янгиланмаса, материалларни ишлаш ва қайта ишлаш жараёнида медиасаводхонлик принципларига амал қилинмаса, ушбу тажрибадан кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Болалар матбуотида чоп этилган мақолаларнинг тили ва услубини танланган объектлар мисолида таҳлил қилган ҳолда бугунги матбуот ҳеч қачон тараққиётдан, юксалишдан ортда қолмаслиги керак деган хулосага тўхталдик.

Сабаби, бугуннинг боласи ҳар куни бир янгиликка дуч келади. У телевизордан ташқари компьютер, уяли телефон сингари энг сўнгги замонавий воситалар ичида ўралашиб қолиб кетмоқда. Уни матбуот оламига қайтариш осон кечмайди. Агарда матбуот ўша техник воситалардан кўра қизиқарли бўлса, болаларнинг орзу истакларига ҳамоҳанг келсагина, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин. Бошқа томондан эса, нашрларда болалар саводхонлигини оширишга эришиш, уларнинг ахборотнинг ишончли манбасини танлай олишга ўргатиш катта ютуқ ҳисобланади. Шундагина улар орасида соғлом фиркли авлод шаклланади. Энди улғайиб келаётган бола ҳам кўп ҳислатларни катталардан ўрганади. Катта бўлгани сари ўзининг мустақил йўлини танлайди. Ҳаётда оқу қорани ажрата билишда, кичикликда эгаллаган билимлари пойдевор бўлиб хизмат қилади. Болалар нашрларини ўқилишли ва оммабоп бўлишига нафақат уни бошқарувчи бош муҳаррир ёки ижодий ходимлар балки ижод дунёсига эндигина қадам қўйган ёш авлоднинг ўрни юқори. Зеро, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири – бу болалар нашрларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган.
2. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси
3. Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси.
4. Салоҳиддинова.А.Э “Замонавий матбуотда болалар нашрлари”тадриж, таҳлил ва талқин. 2012
5. Федоров А.В. Медиаобразование, медиаграмотность, медиакритика и медиакультура//Высшее образование в России. 2005. № 6. С.134-138.
6. Медиа таълим бўйича ЮНЕСКОнинг Грунвалд декларацияси (1982), unesco.org.
7. В.В.Орлова “Особенности редактирования детских иллюстрированных журналов”<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-redaktirovaniya-detskih-illyustrirovannyh-zhurnalov/viewer>